АССАЛОМ, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 68 (20. 635) • 1990 йил 21 март, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.



УЙҒУН,
Ўзбекистон ССР халқ шоири

Келди Наврўз!

(ҚЎШИҚ)

Келди Наврўз ўлкамизга очилиб, яшнаб яна,
Турналар кўк тоқида «арғамчи» солмоқда, ана,
Пур шифо кўклам ҳавосидан эмиб яйрар тана.
Келди Наврўз — юртда байрам, элда тўю-тантана,
Кўп қадимдан халқимизга бу сана — қутлуғ сана!

Бошланар йил ҳар сафар ҳам навбаҳор, Наврўз билан,
Тоғу саҳро, қир-адрлар, лолазор Наврўз билан,
Аҳду паймон, меҳру шафқат барқарор Наврўз билан.
Келди Наврўз — юртда байрам, элда тўю-тантана,
Кўп қадимдан халқимизга бу сана — қутлуғ сана.

Келди Наврўз, қаршилайлик пойига гуллар сочиб,
Қаршилайлик шоду ҳуррам бағримизни кенг очиб,
Покланур инсон, табиат, барча иллатлар қочиб,
Келди Наврўз — юртда байрам, элда тўю-тантана,
Кўп қадимдан халқимизга бу сана — қутлуғ сана.

Келди Наврўз, сайр этайлик боғда жононлар билан,
Сайр этайлик вақтихушлар, кўнгли шодонлар билан,
Ҳамнафас, ҳамдард бўлайлик яхши инсонлар билан,
Келди Наврўз — юртда байрам, элда тўю-тантана,
Кўп қадимдан халқимизга бу сана— қутлуғ сана.

Яхши одатлар, удумлар чиқмасин ёддан ҳамон,
Халқимиз ўз бахтини, ўз қадрини топган замон,
Наслимиз, авлодимиз ҳур, тоабад бўлсин омон.
Келди Наврўз — юртда байрам, элда тўю-тантана,
Кўп қадимдан халқимизга бу сана — қутлуғ сана.

Халқимиз Наврўзни доим қаршилар меҳнат билан,
Юрт учун хизмат қилар халқ ғайрату ҳиммат билан,
Халқ тилар дунёга тинчлик яхши, пок ният билан,
Келди Наврўз — юртда байрам, элда тўю-тантана,
Кўп қадимдан халқимизга бу сана — қутлуғ сана.

В. МОЛҒАЧЕВ ва Ғ. АЛИЕВ суратлари.

Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорлари қурултойи қатнашчиларининг жумҳуриятдаги барча меҳнаткашларга

МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли ўртоқлар!

Шу кунларда кўп миллатли Ватанимиз халқлари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ниҳоятда масъулиятли даврни бошдан кечирмоқдалар. Партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш жамиятнинг бутун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жабҳаларини қамраб олди, омманинг фаоллигини уйғотди ва ҳаракатга келтирди.

1990 йил 12—15 март кунлари бўлиб ўтган СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, СССР Президенти лавозимини таъсис этиш масалаларини муҳокама қилди. Съездда ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев СССРнинг биринчи Президенти этиб сайланди. Барча совет халқи ушбу лавозимнинг таъсис этилиши мамлакат иқтисодиётидаги танглиқдан халос бўлишда кескин бурилиш ясалишига имкон беради, деган умид билдирмоқда.

Ўтмишни танқидий идрок қилиш, эскича тафаккур қолипларидан воз кечиш жараёнлари давом этяпти. Замон сиёсий ва иқтисодий системани, миллий муносабатларни, ижтимоий ва маънавий соҳаларни тубдан ўзгартириш масалаларини кун тартибига қўймоқда. Қайта қуриш жараёни зўр қийинчиликлар билан амалга ошаётганлигини кўриб турибсиз. Республикамизда ҳам турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларининг кескин тўқнашувлари, миллатлараро муносабатларда мушкулликлар учрамоқда.

Шусиз ҳам жумҳуриятимизда йиллар мобайнида ўз ечимини кутиб ётган кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар мавжуд. Бугунги кунда айниқса қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси жиддий эътиборга муҳтож. Қишлоқларда уй-жойлар, шифохоналар, мактаблар, болалар муассасалари етишмаяпти. Озиқ-овқат таъминоти ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Меҳнатга яроқли 100 минглаб кишилар, айниқса ёшлар доимий иш топиш умидида яшамоқдалар. Пахта якказироатчилиги оқибатида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетди, атроф-муҳит, сув ва ҳаво ифлосланди. Айниқса, Орол бўйида яшаётган аҳолининг ачинарли аҳволи бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай мураккаб шароитда биз, қурултой қатнашчилари — колхозчилар ва ишчилар, деҳқончилик саноатининг раҳбар ва мутахассислари қайта қуриш тақдири учун, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун масъул эканимизни унутмайлик.

Биз КПСС Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига мурожаатини, СССР халқ депутатлари съездлари дастурларини қўллаб-қувватлаймиз ва тўпланиб қолган муаммоларни фақат қонунчилик, демократия, ошкоралик, юксак уюшқоқлик ва мустаҳкам тартиб-интизом орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Жамиятга, умумхалқ манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни, миллий туйғуларни камситиш, қайта қуриш йўлидаги қийинчиликлардан фойдаланиб атайлаб можаролар, тартибсизликлар чиқарилишини қаттиқ қоралаймиз. Норасмий ташкилотларнинг айрим раҳбарлари ана шундай йўл тутмоқдалар. Улар жумҳурият партия-ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий соҳалар муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишларини камситишга уринмоқдалар ва бу тадбирларни ўзларининг иши деб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумҳуриятимиздаги кексаю ёш, ишчию деҳқон, зиёлию талаба уларнинг игвогарона даъватларига учмасликлари керак.

Азиз ўртоқлар!

Пахтачилик бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолаверади. Зотан, йўл қўйилган айрим нуқсон ва камчиликлардан халос бўлинса, бу соҳа деҳқон учун катта даромад манбаидир. Утган йили пахтакорларимиз давлатга 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» сотиб, планни муваффақиятли ўринлатдилар. Жумладан, жами маҳсулотнинг 4 миллион 100 минг тоннаси биринчи ва иккинчи навларга топширилди. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил олинди. Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган шаҳарлик ҳашарчилар сони анча қисқарди, бу ишга ўқувчи ёшларни мажбуран жалб этиш ҳолларига чек қўйилди. Ҳосилнинг ярмидан кўпроғини механик-ҳайдовчиларимиз териб бердилар.

Жорий йилнинг хусусияти бўлакча. Илк бор пахта якказироатчилигини тугатиш, алмашлаб экишни қўллаш натижасида тупроқни соғломлаштириш, озиқ-овқат дастурини амалий ҳал этиш имкониятлари яратилади. Зеро, жумҳурият қишлоқ хўжалиги оқсоқоллари ҳам бир беш йиллик мобайнида пахта етиштириш плани 1 миллион тоннага камайтирилганлигини эслай олишмаса керак. Ҳозир эса бу амалдаги ҳақиқатга айланди.

Эндиликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қоғозларда эмас, балки амалда, иқтисодий омилларга таянилган ҳолда олиб борилмоқда. Ўтган йили I ва II нав пахтанинг ҳар бир тоннасига 120 сўмдан, III нав учун 90 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Жорий йилда ушбу қўшимчалар янада салмоқли бўлади, яъни тегишли равишда 210 ҳамда 120 сўмни ташкил этади. Хомаки ҳисобланганда бу қўшимчалардан ҳар бир хўжалик ўрта ҳисобда 660 минг сўм даромадга эга бўлади. 1991 йилда пахтанинг нархи оширилади. Натижада тармоқ самарадорлиги кескин кўтарилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Харид нархлари кўтарилганда меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, мелиорация ишларига, техника ва ўғитга кетадиган харажатлар ўрнини қоплаш билан бирга қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини ривожлантириш имкониятлари вужудга келди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархларини ошириш масаласини ҳал қилишни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан қатъий сўрамоқда.

Ҳозирги вақтда иттифоқ органлари республиканинг пилла, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларига шартнома баҳоларини жорий этиш ҳақидаги ҳукумат қарорини моддий рағбатлантиришнинг яққол намунаси деса бўлади. Эндиликда ушбу маблағларни оқилона тақсимлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда хўжасизлик ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик муҳимдир.

Қадрли ўртоқлар!

Сизларни илмий асосланган алмашлаб экишни кенг жорий этишга, фан-техника тараққиёти ва илғор тажрибалардан унумли фойдаланишга чақирамиз. Пахтачилик билан бир қаторда боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликни ривожлантириш, чорва моллари учун озуқа экинлари майдонларини кенгайтиришга жиддий эътибор берайлик.

Бугунги кунда дўконлар ва бозор пештахталарини сабзавот, мева, гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришдан муҳимроқ иш йўқ. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилиш, фан тавсияларидан ишлаб чиқаришда билимдонлик ва тадбиркорлик билан фойдаланиш, ижара ва хўжалик юритишнинг бошқа янги шаклларини кенг жорий этиш зарур.

Азиз қишлоқ аҳли!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва жумҳурият Министрлар Советининг қарорига биноан ҳозиргача 393 минг янги оилага томорқа берилди. 909 минг оила эса қўшимча томорқа майдонига эга бўлди. Ана шу мақсадларда энг серҳосил, суғориладиган 160 минг гектар экин майдони тақсимланди. Энди буёғи сизнинг тадбиркорлигингизга, ғайратингизга, деҳқончилик илмини қанчалик пухта эгаллаганингизга боғлиқ. Томорқа ерларидан қанчалик самарали фойдаланасанглиз, шунчалик кўп озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирасиз, хонадонингиз тўкин-сочин бўлади. Шаҳарлик биродарларингизнинг дастурхонига барака киради. Шу боисдан томорқангизнинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланинг, чорбоғларингиз эрам саховатини эслатсин.

Жумҳуриятимизда хотин-қизларнинг тақдири ва болаларнинг келажагига алоҳида эътибор берилаётганлигини сезиб турган бўлсангиз керак. Мактаб ўқувчиларининг бепул овқатланишини ташкил этиш, кексалар ва ногиронларга бериладиган нафақаларни кўпайтириш учун бир неча ўн миллионлаб сўм маблағ ажратилди. Қишлоқдаги хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, кўп болали оналар ва уй бекаларини иш билан таъминлаш борасида ҳам хайрли ишлар қилинмоқда. Ҳар бир хўжаликда аёллар меҳнатини енгиллаштириш, қаҳрамон оналарга бериладиган нафақа миқдорини ошириш имкониятлари қидириб топилса, айни муддао бўлур эди.

Озиқ-овқат режаларини амалга оширишнинг муҳим омили бўлган чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида сўнгги йилларда бирмунча ижобий силжишлар рўй берди. Чорва моллари зотлари яхшиланмоқда, маҳсулдорлик ошмоқда. Сўнгги тўрт йил мобайнида колхоз ва совхозларда гўшт ва сут етиштириш 4,1 баравар, тухум етиштириш қарийб 50 фоиз кўпайди. Бунга чорвачиликда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари дадил жорий қилинаётганлиги туфайли эришилди. Соҳада ижара, пудрат каби самарали усулларни ривожлантириш, ўзини оқлаётган фермерлик хўжаликларини кўпайтириш асосий йўналиш бўлиб қолади.

Жумҳуриятимизда жорий йилда ҳам сув танқислиги бўлиши кутилмоқда. Шу боисдан сув хўжалиги ходимлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбар ва мутахассислари, деҳқонлар, томорқа эгалари оби ҳаётнинг ҳар бир томчиси ҳам беҳуда исроф бўлмаслиги сизларга боғлиқ. Ақлу-заковатингиз, тадбиркорлигингиз, тежамкорлигингиз туфайли сувнигина эмас, техникани, ўғитларни, экин майдонларини тежашга, улардан самарали фойдаланишга эришишингизга ишонамиз.

Пахта майдонлари камайганлиги, томорқа ерлари берилганлиги туфайли бу йил ва бундан буён мева ва сабзавот маҳсулотлари кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бу эса қайта ишлаш тармоғи меҳнаткашлари олдига жиддий вазифалар қўяди. Қайта ишлов корхоналарининг имкониятларини ошириш, жойларда кам қувватли маҳсулотни қайта ишловчи цехлар қуриш лозим. Бундай цехлар хўжаликларда ва шахсий томорқаларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўша жойларнинг ўзида қайта ишлаш имкониятини беради. Тармоқ меҳнаткашлари ўз маҳсулотларининг сифатини яхшилашлари ва хилларини кўпайтиришлари, ишлаб чиқаришнинг чиқитсиз технологиясини жорий этиш йўлида кўпроқ бош қотиришлари талаб этилади.

Муҳтарам шаҳарликлар! Саноат ва қурилиш корхоналарининг ишчи ва хизматчилари!

Ҳозир аҳолига томорқа ерлари берилиши муносабати билан қишлоқларда кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги сизларга маълум. Дарҳақиқат, шу кунларда бутун Ўзбекистон улкан қурилиш майдонини эслатади. Шу тобда қишлоқ аҳолиси сизларнинг мададингизга, кўмагингизга муҳтож. Уларга кўплаб қурилиш материаллари, техника ва илғор технология зарур. Қишлоқдаги уй-жой, мактаблар, боғчалар, шифохоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши сизнинг бевосита ёрдамингизсиз амалга ошиши мушкул. Шу боисдан деҳқонлар ҳамиша саховатингизга умид боғлайдилар. Биз эса ушбу ғамхўрлигингизга жавобан дастурхонингизни дала неъматларига сероб этамиз.

Илм-фан намояндалари, шаҳар ва қишлоқ зиёлилари! Сизларнинг мураккаб ва шарафли меҳнатингизни бениҳоя қадрлаймиз. Пахтачилик, боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлар самарадорлигини оширишда қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳали сиз кўп ғайрат-шижоат, тадбиркорлик кўрсатасиз, деган умиддамиз.

Қишлоқдаги муаммоларнинг муваффақиятли ҳал бўлиши шубҳасиз кўп жиҳатдан ернинг ҳақиқий хўжайини бўлган деҳқоннинг маънавияти, инсоний фазилатлари, заминга ва касбига бўлган меҳру муҳаббатига боғлиқдир. Энг аввало, элни кийинтирувчи ва тўйдирувчи деҳқонни эъзозлайлик, ҳурматэтиборини жойига қўяйлик. У узоқ йиллар давом этган шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларининг ситамларидан, ғуборларидан тамомила форғ бўлсин. Деҳқоннинг қалбидаги шубҳа ўрнини ишонч, умидсизлик ўрнини келажакка интилиш орзуси эгалласин.

Азиз ўртоқлар!

Ҳозирги аграр сиёсат жамиятни инқилобий ўзгартиришнинг асосий таркибий қисмидир. Ҳолбуки, шундай экан, қайта қуришнинг муваффақияти қишлоқ хўжалиги ходимлари, қайта ишлаш тармоқлари меҳнаткашларининг самарали ишларига боғлиқлигини ҳар дақиқа ёдда тутайлик.

Бутун куч-ғайратимизни, билим ва маҳоратимизни озиқ-овқат режаларини шараф билан бажаришга сафарбар этайлик. Халқимиз дастурхони шу йилнинг ўзидаёқ гўшт ва сутга, мева ва сабзавотга ҳамда бошқа ноз-неъматларга тўкин-сочин бўлсин.

КПСС Марказий Комитетида учрашув

19 март куни КПСС Марказий Комитети секретарларининг Эстония Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига номзодлар билан учрашуви бўлди. Учрашувда республика Компартиясининг бўлажак XX съезди билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Рўй-рост фикрлашув давомида республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият мураккаблигича қолаётганлиги, республиканинг суверенитети ва Эстония Компартиясининг мустақиллиги муаммолари теварагидаги сиёсий позициялар бир-биридан фарқланиб бораётганлиги қайд этилди.

Учрашув қатнашчилари янгиланаётган федерация республикалар Компартияларининг мустақиллиги қандай амалий мазмун билан тўлдирилажаги хусусида равшан ва тўлиқ жавоб берадиган қарорларни тезроқ қабул этиш зарурлигини таъкидладилар. Янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Учрашувда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Д. Ф. Мэтлок танишиш мақсадида Ўзбекистонга сафар қилди.

20 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов Д. Ф. Мэтлокни қабул қилди. Меҳмонга республикадаги аҳвол, Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичидаги равнақи тўғрисида сўзлаб берилди. Иккала томонни қизиқтираётган масалалар тилга олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этдилар.

Д. Ф. Мэтлок Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Урганч, Хива ва Самарқандга сафар қилди.

(ЎзТАГ).

Ленин юбилейи кунига—шанбалик

«Сургутнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг касаба союз комитети мамлакат касаба союзларига бирлашган барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, 21 апрель куни В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган касаба союз шанбалигини ўтказишга даъват этди.

Қисқа муддат ичида, дейилади мурожаатномада, жамиятимиз демократиялаш ва ошкоралик, миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш, иқтисоднётни ислоҳ қилиш, янгича сиёсий тафаккурни қарор топтириш йўлида катта ишларни амалга оширди.

Мамлакатда тез ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазият, аньанавий структуралар обрўсининг тушиб кетиши, кўпроқ митингбозлик йўли билан сўзни ўтказишга интилиш шароитида муайян кучлар мамлакатда социализм қуриш имкониятини шубҳа остига қўйишга, Ленининг ғоявий-назарий мероси аҳамиятини ерга уришга уринмоқдалар.

Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги арафасида, деб таъкидланади ҳужжатда, совет касаба союзлари доимо Владимир Ильични бутун умри ва фаолияти меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган буюк мутафаккир ва революционер деб билганини ва бундан кейин ҳам шундай фикрда қолишини рўй-рост айтиш зарур.

Шанбалик ташаббускорлари шу куни ишлаб топилган пулларни меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари, уруш ва меҳнат ветераналарининг долзарб муаммоларини ҳал этиш, қочоқларга, камбағал ва кам таъминланган оилаларга, етим болаларга, ногиронларга, хуллас, амалий кўмак ва мададга муҳтож бўлган барча кишиларга хайрия ёрдами бериш учун касаба союз комитетларининг счётларига ўтказишни таклиф қилишмоқда.

(ТАСС).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 март куни соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси М. М. Мирқосимовнинг докладини муҳокама қилиш юзасидан бошланган музокараларда қизғин баҳслар ва мунозаралар авж олиб кетди. Ўзбекистоннинг ҳар тарафидан келган вакиллар ўзларига хос ва умумий муаммолар хусусида гапирдилар, шу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда изладилар. Шу нутқлардан айрим парчалар келтирамиз.

АМАЛИЙ ИШГА КАМАРБАСТАМИЗ

Республика деҳқончилик саноати ходимлари қурултойи қатнашчилари сўзидан

Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. РЎЗМАТОВ одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат муаммолари, пахтакорларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш ҳақида гапириб бундай деди:

— Аравани қуруқ олиб қочадиган сўзлар, беҳуда баҳслар, ўринсиз можаролар... Очиғини айтсам, мана шундай вазиятдан жуда чарчадик. Кейинги вақтларда биз танқиддан бошқа гапни билмай қолдик. Ўзбекларда: «Оловга тегсанг ўчади, қўшнига тегсанг кўчади» деган гап бор. Одамларга шароит яратиб берадиган, уларнинг турмушини яхшилайдиган вақт келди. Биз пайкалларни белгилаб беришимиз, кимгадир ниманидир топширишимиз, кимдандир ниманидир олишимиз керак эди. Биз ернинг тўла ҳуқуқли хўжайини эмас эдик. Энди ҳукуматимиз шу ерларни ажратиб берган экан, биз ундан минг бор миннатдормиз. Энди биз бу ерларда уйлар қуришимиз, ўз оиламиз билан яйраб яшашимиз, энг муҳими эса, бу ерларда пахта, дон, бошқа экинлар етиштиришимиз мумкин.

Пенсиялар кўпайтирилди, мактабларда болаларга текин овқат берилмоқда. Бу ҳам катта иш. Аммо меҳнатнинг осони бўлмайди. Ҳаммамизга ҳам қийин, қишлоқ хўжалигида эса энг оғир меҳнат — пахта етиштириш. Пахта эккан киши буни билади. Аммо бу меҳнатга муносиб баҳо берилмас эди.

Яқинда бу масалани ўрнидан қўзғатишди. Шундан кейин эса, пахтанинг нархини ошириб, яна нотўғри иш қилинди, деган гап-сўзлар бўлди. Гўё энди ҳамма пахта етиштиришга киришиб кетар эмиш. Бу гап тўғри эмас, аксинча бу чора-тадбирлар учун республика ҳукуматига ташаккур айтишимиз керак. Чунки биз фақат сабзавот ва мева ҳисобига кун кўра олмаймиз — пахта учун катта пул оламиз ва унинг бир қисмини республикани ривожлантиришга ишлатамиз...

Олимлар биз билан мустаҳкам алоқа боғлаб ишлашлари, бизга аниқроқ тавсиялар беришлари керак, деб ўйлайман. Чунки деҳқон ҳали кўп нарсани билмайди. Бундан ташқари дизель ёқилғисининг нархини оширишда ҳали кўп нарса ҳал этилмаган. Деҳқонлар тобора тез-тез қийин аҳволга тушиб қолаётганликлари учун ҳам бу масалалар бизни қизиқтиради. Унумли ишлашимиз учун техника, одамлар, ер бор. Ёнилғи ва бошқа материал ресурсларнинг нархи тобора ошиб бормоқда. Бунинг устига кейинги вақтларда пахтакорларни моддий ва маънавий жиҳатдан тобора камроқ рағбатлантирадиган бўлиб қолдилар.

Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг раиси С. ЕРЖОНОВ Орол бўйида вужудга келган вазнят ва шу билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар ҳақида гапирди.

— Экология вазияти нақадар мураккаб бўлмасин, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, экинларнинг ҳосилдорлиги пасайиб бораётган бир пайтда кўрилаётган чора-тадбирлар кўпинча ишга ёрдам бермаяпти, балки, аксинча вазиятни кескинлаштираяпти. Чунончи, апрель ойининг бошларида Қашқадарё областидаги Султонтоғ кўлидан таркибида минерал кўп бўлган коллектор-зовур сувларини Амударёга ташлаш мўлжалланаётганини яқинда билиб қолдик. Бу нарса дарё сувининг сифати кескин ёмонлашувига олиб боради. Бу сув ичиш эҳтиёжлари учунгина эмас, экинларни суғориш учун ҳам яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Мутахассислар регионимизга самаралироқ ёрдам бера оладилар, деб умид қиламиз.

— Мамлакатимизда кўп ўзгаришлар рўй беряпти, аммо биз ҳали қайта қуриш ҳамма жойда амалга ошириляпти, дея олмаймиз, — деди Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз сабзавотчилар бригадасининг бошлиғи А. БЕРДИЕВ.

— Одамлар қайта қуришнинг маъносини нотўғри тушунаётган жойларда миллатлараро низолар, рухсат этилмаган митинглар бўлмоқда. Аммо булар ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаяпти ва олиб келмайди ҳам.

Бизнинг Самарқанд областимиз — кўп миллатли область. Хўжалигимизда 12 миллат кишилари яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Биз бир оила фарзандларидек ишлаяпмиз, маҳсулот етиштиришни йил сайин кўпайтиряпмиз. Ҳозир ҳам ишлар яхши боряпти. Ҳар қандай меҳнаткаш инсон каби деҳқон учун ҳам тинч осмон, тинч ер ва осойишталик керак. Агар шундай бўлса, биз аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада яхшироқ таъминлашга ваъда берамиз.

Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. АЛЛАМУРОДОВ деҳқонлар меҳнатига ҳақ тўлаш хусусидаги ўз фикрларини ўртоқлашди:

— Областимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар. Ўтган йили меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор шаклларини жорий этиш ҳисобига яхши натижаларга эришилди. Айни вақтда қишлоқ меҳнаткашларининг маоши ҳам кўпаймоқда. Масалан, чорвадорларнинг иш ҳақи 300 сўмга етади. Деҳқончиликда банд бўлганларнинг ҳам маоши кўпаймоқда. Ҳозир ўзимизни ўзимиз чигит уруғлиги билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Республикамиз раҳбарлари пахтачилик соҳасида қилаётган барча ишларни қониқиш билан қабул қилмоқдамиз. Топширилган хом ашё учун ҳақ тўлашда силжишлар бор. Бунга ажратилаётган маблағлар хўжаликларнинг жонига оро кирмоқда. Лекин бизда ҳал этилмаган муаммолар ҳам кўп.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш керак. Ҳозир деҳқончилик саноати давлат комитетининг номини ўзгартириб, Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети деб атай бошладилар. Ушбу комитетнинг янги раҳбарияти ишни хўжаликлар мол-мулкини ҳисоба олишдан бошлади. Ахир, шу тўғрими? Бизда бошқа кўп муаммолар бор. Бунинг устига муҳим қарорларнинг анчаси бажарилмаяпти.

Қурултойимиз мавжуд муаммолар муваффақиятли ҳал этилишига хизмат қилиши керак. Мен қишлоқ меҳнаткашларини КПСС XXVIII съезди бўладиган йилда янада яхшироқ меҳнат қилишга ва бизни юқори ҳосил билан қувонтиришга чақираман.

— Мен сут-товар фермасида 20 йилдан бери ишлайман. Шу вақт ичида кўп нарса ўзгарганлигини — меҳнат унумдорлиги ошганлигини, меҳнаткашларнинг даромадлари кўпайганлигини биламан, — деди Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Л. МАСЛОВА.

— Албатта, буларнинг ҳаммаси чорвадорларга қандай муносабатда бўлишга, уларнинг меҳнат шароитини яхшилашга боғлиқ. Бу меҳнат эса деҳқонлар меҳнати сингари оғир ва машаққатли. Шу сабабдан ҳамқишлоқларим менга бу ерда муаммоларимиз тўғрисида гапиришимни топширдилар. Муаммоларнинг энг муҳими — уй-жой масаласидир. Қурилиш материаллари етишмаяпти. Меҳнат натижаларимиз ёмон эмас, шу сабабдан республика раҳбарларига мурожаат этиб, ёрдам беришларини илтимос қиламиз. Агар биз яхши меҳнат қилмоқчи бўлсак, турмуш шароитларимиз ҳам яхшиланиб бориши керак.

Бизни миллий масала ҳам тўлқинлантиради. Мен, масалан, қишлоқда ўсганман ва Ўзбекистон халқларининг ягона оиласида яшаётганлигимдан бахтиёрман. Лекин республикамизда пайдо бўлган баъзи норасмий ташкилотлар тинч меҳнат қилишимизга халақит бермоқда.

Фарғона область Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. ШЕРБУТАЕВ ўз нутқида шундай деди:

— Хўжалик меҳнаткашлари баҳорги дала ишларини умид билан бошламоқдалар, чунки улар партия ва ҳукуматимиз деҳқонлар турмушини яхшилаш учун ғамхўрлик қилаётганликларини амалий ҳис этдилар. Лекин ажратилган ерларда уй-жой қуриш учун бинокорлик материаллари керак. Шу сабабдан хўжалигимизда оҳак, бетон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, маҳаллий хом ашёдан ҳам фойдаланилмоқда.

— Ижтимоий соҳага ҳам катта эътибор беряпмиз, — деб сўзида давом этди нотиқ. — Ҳашар йўли билан мактабларни, болалар боғчаларини, бошқа маданий-маиший муассасаларни қуряпмиз ва таъмирлаяпмиз. Бу жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Энди нархлар тўғрисида гапирмоқчиман. Тўғри, республикамиз раҳбарлари ҳамма ишларни қилишмоқда. Ўтган йили пилларнинг ҳам нархи ошиши хусусида ваъда қилишганди. Ҳозирча эса бу ҳақда ҳеч нарса эшитганимиз йўқ. Ваҳолонки, ипакчилик жуда фойдали соҳага айланиши мумкин.

Бизга газ, яхши ичимлик суви, йўллар керак. Лекин бу масалаларни ҳал этиш қийин. Масалан, табиий газга лимит олиш учун турли идораларга боришга мажбурмиз. Илгари бу масалалар билан колхозлараро қурилиш ташкилотлари шуғулланарди. Энди эса улар асосан шаҳарларда ишлашмоқда. Аслида аксинча бўлиши керак эди.

Сувга ҳақ тўлаш масаласига келганда, мен бунга ҳозирча йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Чунки, шундай қилинадиган бўлса маҳсулотнинг таннархи анча ортади...

— Мен олимларга мурожаат қилмоқчиман, — деди Андижон область ижроия комитетининг раиси Б. БОЛТАБОЕВ.

— Сиз кейинги йилларда бизнинг табиий-иқлим шароитларимизга мослашган бирорта нав яратганингиз йўқ. Биз «АН-34» навини экишга мажбур бўляпмиз. Ундан эса биринчи навли пахта олиб бўлмайди. Фақат иккинчи ва учинчи навли хом ашё олиш мумкин. Бундай шароитда деҳқон турмуш кечириши учун қандай қилиб пул топсин? Сифатли тола берадиган эртапишар янги навлар керак.

Областимизда ижтимоий муаммоларни — газлаштириш, уй-жойлар қурилиши, тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларини ҳам бартараф этиш зарур. Ер ости сувларидан фойдаланиш катта резерв ҳисобланади. Лекин бу муаммолар ҳал этилмаяпти. Майдачуйда масалаларни ҳал этиш учун Тошкентга неча марталаб келишга тўғри келяпти. Ишлаш осон бўлсин учун чекка жойларда лойиҳа институтларининг ва бошқа ташкилотларнинг бўлимларини барпо этиш керак. Бизга 1989 йилда бутун областимизга атиги 48 километр сув қувури ажратилди. Бу жуда кам. Одамларга ер ажратиб берилиши билан бинокорлик материаллари етишмаётганлиги сезилмоқда.

Транспорт ва бошқа идораларнинг ходимларидан йиғиштириб олинган ҳосилни сақлаш, уни тўла сақланган ҳолда истеъмолчига етказиб бериш учун қўлларидан келган барча ишларни қилишларини сўраймиз.

Ишдаги муваффақият хўжалик раҳбарларининг маҳоратига ҳам боғлиқ. Улар ишлаши учун яхши шароит яратиш, раҳбарларнинг обрўсини кўтариш керак.

Навоий районидаги «Нарпай» совхозининг директори Х. ЗАЙНИЕВ хўжаликда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ишлар тўғрисида қисқача гапиргач, пахтачиликнинг иқтисодий муаммоларига тўхталди.

— Мен етиштирилган пахта ҳосилининг 30 фоизгача бўлган қисми деҳқонларнинг тасарруфида қолиши керак, деб ҳисоблайман, — деди у. — Шунда биз ушбу хом ашёдан бошқа мамлакатлар билан моллар алмашишда, янги техника сотиб олишда фойдаланишимиз мумкин бўлур эди.

Лекин бунинг ўз муаммолари бор. Мендан олдин сўзга чиққан нотиқларнинг бири хорижда бир тонна пахтанинг нархи бизнинг пулимизга чаққанда 54 минг сўм туришини айтди. Лекин бундай эмас. АҚШда бир тонна пахта 1555 доллар туради. Халқаро бозорда эса биринчи навли пахтанинг бир тоннаси 3 минг доллар туради. Битта пахта териш машинасининг нархи эса Америка Қўшма Штатларида 100 минг долларга тенг. Агар пахтани халқаро нархларда сотадиган бўлсак, техникани ҳам худди шундай нархда харид қилишимизга тўғри келади. Бу эса жуда қимматга тушади.

Шундан кейин Х. Зайниев чигитдан янада оқилона фойдаланишни таклиф этди. Ҳозир ҳар гектар ерга 120 килограмм уруғлик сарфланмоқда. Уруғлик сифатини яхшилаш ҳисобига бу харажатларни камайтириш мумкин.

— Меҳнаткашларнинг рисоладагидек иш ва турмуш шароитини яратмай туриб юксак кўрсаткичларга эришиб бўлмайди, — деб ҳисоблайди Жиззах областидаги Дўстлик район деҳқончилик саноати уюшмасининг раиси Х. ХОЛБЕКОВ.

— Районимизда маблағдан ижтимоий соҳани ривожлантириш учун энг кўп даражада фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Чунончи, бошқарув ходимларини қисқартириш ҳисобига кўп маблағни тежаб қолдик. Бу маблағдан ана шу мақсад учун фойдаланилади.

Бутун республикамизда ҳам сўнгги вақтда бу соҳада кўп иш қилинди. Йиғиштириб олинган пахтага тўланадиган ҳақ кўпайтирилди, мактабларда таълим олаётган жажжи ўғил-қизларимиз ҳар куни бепул нонушта қилишмоқда, хотин-қизлар учун ҳам имтиёзлар жорий этилди. Халқимиз буни анчадан бери орзу қилиб келарди. Шу боисдан ҳукуматимиз деҳқонларнинг фикрига қулоқ солиб, тегишли чоралар кўраётгани одамларга ёқяпти. Бундай тадбирлар ўз навбатида меҳнаткашларимизни яхши ишлашга рағбатлантиради.

Қишлоқ меҳнаткашларига уй-жой қуриб олиш ва деҳқончилик билан шуғулланиш учун ер ажратиб берилаётганлиги тўғрисида ҳам гапирмасдан ўтолмайман. Районимизда 4170 оила ер олди. Бугун кўп нотиқлар бинокорлик материаллари, ишчилар етишмаётганлигидан нолиб гапиришди. Бунинг йўлларини излаш керак. Масалан, биз уй-жой қурилиши билан шуғулланадиган 13 та кооператив туздик.

— Мен бугун муаммоларимиз ҳақида гапиришни хоҳлардим, — деди Хонқа районидаги «Хоразм» колхозининг механизатори А. СОТИМОВ.

— Пахта териш машиналаримизнинг моторлари жуда кучсиз, далаларда кўп ҳосил нобуд бўлади. Бунинг устига агрегатлар тез-тез ишдан чиқиб туради. Эҳтиёт қисмлар эса етишмайди. Натижада бир-икки мавсумдан кейин машиналар ишдан чиқади ва улар металломга топшириб юборилади.

Энди дефолиантлар ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Пахтани машиналарда сифатли териб олиш учун яхши дефолиантлар керак. Айни вақтда улар одамлар учун ҳам, табиат учун ҳам зарарсиз бўлиши лозим. Ҳозирча эса дефолиантлар сифати ёмон ва териб олинаётган пахтанинг сифатини пасайтириб юбормоқда. Бунинг устига ана шу химикатлар сабабли механизмлар ҳам тез ишдан чиқмоқда. Шу сабабдан олимлар, инженерлар, конструкторларга мурожаат қилиб, улардан деҳқонларга тезроқ ёрдам беришларини илтимос қиламан.

Шундан сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид ҒУЛОМ қурултой қатнашчиларига мурожаат қилди:

— Аввало барча қишлоқ меҳнаткашларини Ер тўғрисидаги қонун қабул қилинганлиги билан табриклайман. Биз бу қонунни неча ўн йиллардан бери кутардик. Мана энди деҳқонларимиз ерга чинакам хўжайин бўлишлари мумкин. Энди эса республикамиз қишлоқ хўжалигининг бу ерга келган ходимларига шеър билан мурожаат этишга руҳсат бергайсиз.

Ҳ. Ғулом ўз шеърий мисраларида деҳқон Ер юзида ҳар доим асосий киши бўлиб қолиши тўғрисида фикр билдирди. Она заминда нимаики ўсаётган, етишаётган бўлса бу деҳқон меҳнатининг бевосита натижасидир. Шеърда халқни тўйдираётган деҳқон улуғланади. Деҳқонга фақат эркинлик, ер бериш керак ва у одамлар учун ҳамма ишни қилади.

Қўқон ўрмон хўжалигининг директори М. ХУЖАЕВ қурултойда деҳқончилик саноати комплексининг яна бир муҳим соҳаси — ўрмончилик ҳақида гапирди. У жумладан қуйидагиларни таъкидлади:

— Ҳозир биз республикамизда нохуш экология вазиятидан жуда ташвишдамиз. Бунда эса ўрмонларнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир. Зотан, ўрмонлар ҳаво, сув, ерга яхши таъсир кўрсатади, ўрмонлардан анчагина озиқ-овқат маҳсулотлари оламиз.

Ўрмон деганимиз — бинокорлик материали ҳамдир, бу материаллар етишмаётганлиги ўзингизга маълум. Мазкур йўналишда қўйилаётган дастлабки қадамларимиз тўғрисида қисқача гапирмоқчиман. Чунончи, ҳозир биз минг гектар ерга терак кўчатлари ўтказдик. Ўрмон хўжалигимиз 1996 йилдаёқ ана шу теракзорлардан одамларга 90-100 минг куб метр ёғоч-тахта бериши мумкин. Ахир биз шундай йўл билан умуман бутун республикамизни секин аста ёғоч билан таъминлашимиз, уни узоқ минтақалардан сотиб олмаслигимиз мумкин бўлур эди.

Озиқ-овқат программасини бажариш борасида ҳам ишлаяпмиз. Ҳозир катта майдонларга писта ва бодом кўчатларини экдик. Озиқ-овқат саноати ходимларига бу хом ашё жуда-жуда етишмаяпти.

Яна бир нарса ҳақида тўхталмоқчиман: Ўзбекистонда ўрмон хўжалиги министрлиги тугатилган. Бизда эса ўрмонлар кўп ва улар бизга жуда керак. Эндиликда ўрмонларни парвариш қилиш ва кўпайтириш учун маблағ ҳам, материал ҳам йўқ. Ўрмон хўжалиги министрлигини тиклаш бутун республикамиз учун зарур, деб ўйлайман. Эртанги кун ҳақида ўйлаш керак.

Сурхондарё областидаги «Бойсун» совхозининг чўпони Р. ТОШБОЕВ ўз нутқида республикамиз чўпонларининг кўпчилигини тўлқинлантираётган муаммоларни ўртага қўйди.

— Мен совхозда 1950 йилдан бери ишлайман. Илгари на йўл, на электр, на техника бор эди. Ҳозир эса буларнинг ҳаммаси муҳайё. Лекин чўпонларнинг ҳаёти кўп жиҳатдан аввал қандай бўлса шундайлигича қолмоқда. Чўпонлар ўз маблағларини қўтонларни иситишга, рисоладагидек иш шароитларини яратишга сарфлашларига тўғри келмоқда. Хўжалигимизда эса бунга маблағ етишмайди. Агар боламиз касал бўлса, хотинларимизни тўлғоқ тутса шифокорлар ҳузурига пиёда боришга тўғри келади. Бизга машиналар керак. Пахта ва бошқа экинларни етиштириш учун техника ажратилади. Биз эса бундай техникага эга эмасмиз. Хуллас, аҳоли истиқомат қиладиган ерлардан узоқда яшайдиган чўпонларга рисоладагидек иш ва меҳнат шароитларини яратиш зарур. Яна бир масала бор: бозорда қўй гўшти нима учун 8-9 сўм туради? Биз эса унинг бир килограммини 2 сўмдан сотамиз. Ана шу нарсани ҳам аниқлаш лозим...

— Мавжуд пахта териш машиналари тобора ошиб бораётган талабларга тўла жавоб бермаслигини, бунинг учун бизни неча марталаб танқид қилишганини эътироф этишимиз керак, — деди «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. КАРЛОВ.

— Шу сабабдан ҳозир машиналар пишиқ-пухта бўлишини таъминлаш устида ишлаяпмиз, унинг истиқболли моделларини ишлаб чиқяпмиз. Бугунги кунда ана шу йўналишда кўп иш қилинди. «Ташсельмаш»да ўз станоксозлик цехимиз ташкил этилди ва у ривожлантирилмоқда. Ўз хусусиятлари жиҳатидан энг яхши намуналардан қолишмайдиган ХС-1,8 машинаси жадал суръатларда яратилди. Лекин конструкторлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг сайи ҳаракатлари билангина пахта хом ашёсини териб олишни механизациялаш муаммосини ҳал этиб бўлмаслигини таъкидламоқ лозим. Бу ишда Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети, хўжаликларнинг раҳбарлари, механизаторларнинг ўзи ёрдам беришлари керак.

Дарвоқе, биз малакали механик ҳайдовчиларни тайёрлаш базасини кенгайтиришга тайёрмиз. Қишлоқ меҳнаткашларини янада арзон ва кичик ҳажмли механизмлар билан таъминлаш йўлларини ҳам излаймиз.

Мунозаралар сўнгида Қашқадарё область Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтачилик коллективининг бригадири А. БЕРДИЕВ сўзга чиқди.

— Шу минбардан туриб, мен раҳбарларимизга мурожаат қиламан ва бу ерда айтилган муаммолар ҳал этилишидан умидворман. Яна бир муаммони ўртага қўймоқчиман: районимизда суғориш учун сув ниҳоятда етишмайди. Аҳволни ўнглаб олиш учун Амударё сувлари Пачкамар сув омборига юборилди. Унинг қурилиши учун катта маблағлар ажратилганди. Лекин қурилиш кечикиб кетяпти. Шу боисдан уни тезлаштиришни илтимос қиламиз. Бу эса катта-катта ерларни ўзлаштиришга имкон берган бўлур эди.

(ЎзТАГ).

Марказий сайлов комиссиясида

20 март куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Т. Х. Собитов бошқарди.

Мажлисда қайта сайлов ўтказиладиган сайлов округларидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатишнинг дастлабки якунлари кўриб чиқилди.

Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 31 ва 53-моддалари асосида 37 та сайлов округидан номзодлар кўрсатилганлиги қайд этилди. Марказий сайлов комиссиясига тушган маълумотларга кўра, халқ депутатлигига 182 номзод ёки бир мандат учун ўрта ҳисобда беш номзод кўрсатилди.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш умуман сайлов тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ кўрсатилган номзодлар юзасидан эркин ва бемалол фикрлашув вазиятида ўтди.

Марказий сайлов комиссияси 29-Октябрь, 30-Фурқат ва 403-Ленин сайлов округларидаги бир қанча участка сайлов комиссияларининг иши хусусидаги шикоятларни текшириш натижаларини кўриб чиқиб, мазкур округ сайлов комиссияларининг қарорлари тўғрилигини тасдиқлади ва Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги халқ депутатларини сайланган, деб рўйхатга олди:

Жалилов Абдулаҳад Туробович — Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ректори, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 29-Октябрь сайлов округидан;

Қаюмов Малик Қаюмович — Ўзбекистон Кинематографиячилар уюшмаси правлениесининг биринчи котиби, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 30-Фурқат сайлов округидан;

Мавлонқулов Алимқул Тўрақулович — Қўқон нон комбинатининг директори, Қўқон шаҳри, Фарғона областидаги 403-Ленин сайлов округидан.

Мажлисда гражданлар ва меҳнат коллективларидан 1990 йил 10 мартдан 20 мартгача ўтган даврда тушган ариза-ларга Марказий сайлов комиссиясининг ёзма жавоблари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. Ш. Беқулбекова қатнашди.

КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ КЕРАК

20 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика Агросаноат комплекси масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов бошқарди.

Комиссия аъзолари Амударё ҳавзасидаги минераллашган зовур сувларини чиқариб ташлашга оид биринчи галдаги тадбирлар тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, тегишли министрликлар ва идораларнинг Амударё ўрта оқимида ифлосланган сувлар ташлашни кескин камайтиришга доир таклифлари ўз вақтида берилган зарур таклифлар эканини таъкидладилар. Бу таклифларнинг амалга оширилиши яқин йилларда ёқ дарё этакларида сувнинг минераллашувини анча камайтириш имконини беради. Дарё ҳавзасида Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР территориясида зовур сувларини чиқариб ташлайдиган магистрал коллектор қурилишининг техникавий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш ва Орол денгизи ҳавзасига сувни буриб юборадиган тракт қурилишини бошлаб юбориш зарурлиги таъкидланди.

Пахтанинг харид нархини кўриб чиқиш жиддий, комплекс ёндашувни талаб қилади. Комиссия нарх белгилашнинг зоналар бўйича табақаланишини такомиллаштиришга оид таклифларни кўриб чиқди. Меҳнатнинг пировард натижасидан қишлоқ меҳнатчиларининг манфаатдорлигини ошириш учун ҳамма шароитни яратиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш ва илмий ишланмаларни жорий қилиш юзасидан САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети билан раҳбарияти қилаётган ишлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу соҳада муайян муваффақиятлар билан бир қаторда фан-техника тараққиёти вазифаларини ҳал этишга амалий бўлмаган, номунтазам ёндашув фактлари ҳамон тугатилган эмас.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Комиссиянинг мажлисида шу йилнинг иккинчи кварталига мўлжалланган иш плани тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

СЕССИЯ ЎЗ ИШИНИ ТУГАЛЛАДИ

19 март куни Нукусда ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини тугаллади. Олий Советнинг органлари тузилди, Автоном республика ҳукуматининг состави, Олий Советга ҳисоб берадиган бошқа органларнинг состави тасдиқланди.

Сессия Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг иш тартибини, «Қорақалпоғистон АССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 107-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ва «Қорақалпоғистон АССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 100-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди. Кун тартибига киритилган «Қорақалпоғистон АССРда конституцион назорат тўғрисида»ги Қонунни пухта ишлаб чиқиб, навбатдаги сессия муҳокамасига қўйишга қарор қилинди.

Депутатлар Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари биринчи сессиясининг СССР Олий Советига, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР ва Туркманистон ССР Олий Советларига, бутун совет халқига Мурожаатномасини қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТЕРМИЗ, 20 март. (ЎзТАГ). Бугун Сурхондарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири коммунист М. А. Холматовнинг КПСС Устави талабларини қандай бажараётгани ва «Саломатлик» комплекс программасини амалга ошириш ишига қўшган шахсий ҳиссаси тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Пленум навбатдаги область партия конференциясини 1990 йил май ойида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари Х. Э. Бердиев нутқ сўзлади.

Совет ҳукуматининг Баёноти

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди Литва ССР Олий Советининг «Мустақил Литва давлатини тиклаш» тўғрисида, шунингдек республика территориясида Литва ССР Конституцияси ва СССР Конституциясининг амал қилишини бекор қилиш ҳақида қабул этган қонун ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топди.

Республикадан олинаётган маълумотларга қараганда, у ерда иттифоқ қарамоғидаги корхоналарнинг мақомини ўзгартириш, давлат корхоналарини хусусий мулк қилиб топшириш, ўз валютасини жорий этиш, божхоналар хизматини вужудга келтириш ва шу каби режалар зудлик билан ишлаб чиқилмоқда. Шу тариқа Литва ССР иқтисодиётининг мамлакат халқ хўжалиги комплекси билан алоқаларини барбод этадиган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу ҳаттиҳаракатларнинг оқибатлари республикадаги умумий ижтимоий-иқтисодий вазиятга, меҳнаткашларнинг ва аҳоли бошқа табақаларининг аҳволига асоратли таъсир қилиши мумкин.

СССР ҳукумати Литва ССР иқтисодиётининг ва аввало, республика аҳолиси турмушини таъминлаш билан боғлиқ объектларнинг барқарор ишлашига муҳим аҳамият бериб, Литва ССР корхоналарининг бошқа иттифоқдош республикалар корхоналари билан вужудга келган алоқаларини бузиш хавфли эканига эътиборни қаратади. Нормал иқтисодий муносабатлар барча турдаги маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан олинган ўзаро шартнома мажбуриятларига оғишмай риоя этишни, 1990 йилги ишлаб чиқариш программаларини бажаришни талаб қилади.

Шу билан бирга, СССР ҳукумати иттифоқ қарамоғида бўлган ва Литва ССР территориясида жойлашган барча объектлар ССР Иттифоқининг мулки эканини таъкидлайди. Уларнинг мақоми, фаолият соҳаси ва шароитлари республика идораларининг бир ёқлама қарорлари билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Шу муносабат билан СССР Министрлар Советининг доимий органларига, СССР министрликлари ва идораларига ўзларига қарашли корхона ва ташкилотларни Литва ССР ихтиёрига бериш тўғрисида ҳеч қандай музокара бошламаслик ҳақида кўрсатма берилган. Умумиттифоқ мулки бўлган мазкур объектлар бевосита СССР министрликлари томонидан бошқарилади.

Атом энергетика қурилмалари ва умумиттифоқ мулки бўлган бошқа энг муҳим объектларни ишлатиш хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият бериб, мазкур объектларни қўриқлашни тубдан кучайтириш тегишли органларга топширилди.

СССР ҳукумати Темир йўллар министрлиги, Денгиз флоти, Балиқ хўжалиги ва Граждан авиацияси министрликлари зиммасига Литва ССР аҳолисининг, шунингдек РСФСР Калининград области аҳолисининг манфаатлари йўлида умумиттифоқ аҳамиятига молик транспорт йўлларининг узлуксиз ишлашини, Клайпеда порти орқали транзит юк ташилишини таъминлаш вазифасини юклади.

СССР Бош божхоналар бошқармасига, Ички ишлар министрлигига ва Давлат хавфсизлиги комитетига Литва ССР территориясида божхоналарнинг белгиланган режимини таъминлаш топширилди.

СССР Министрлар Совети огоҳлантириб айтадики, республика органлари томонидан мамлакатнинг молия-кредит системаси бирлигини, СССРнинг ташқи иқтисодий алоқаларини бузадиган қарорларнинг қабул этилиши ССР Иттифоқининг амалдаги қонунларига, иттифоқдош республикаларнинг ва умуман иттифоқнинг манфаатларига зид иш деб ҳисобланади.

СССР ҳукумати Литва ССРнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва миллий-маданий тараққиёти муаммоларини англаб, Литва халқининг жамиятни янгилаш ва республика суверенитетини мустаҳкамлаш муддаосини ҳурмат қилиб, СССР қонунларига қатъий риоя этилган ҳамда Литва ССР ва бошқа республикалар халқларининг ўзаро манфаатлари ҳисобига олинган тақдирдагина бу вазифалар ҳал этилиши мумкин, деб ҳисоблайди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. РИЖКОВ.

Гул устина гул сочиб

Улус завқи, шукуҳин кўрдим ийди Наврўзда,
Дил сурури акс этди ҳайратдан чақноқ кўзда.

Наврўзи олам кезар гул устина гул сочиб,
Толеъ жилосин кўриб тонг балқиган юлдузда.

Кўркам ўлкам безанди каштали либос кийиб,
Кўклам кўз-кўз этмоқда бисотин дала-тузда.

Тошкент карнайи ёки фалак узра гулдирак,
Самарқанду Бухоро, Андижону Нукусда!

Олтин ҳаргиз зангламас, эл қадри ҳам олтиндир,
Қоронғу тун ҳолини кўринг энди кундузда.

Ўйин, кулги, тарона авжи етди фалакка,
Наво қилдик дутору танбур ила қўбузда.

Жон ўртар дардга даво топилган хуш айёмда,
Дўсту ёрон сайр этар гулшани дилафрўзда.

Кимгадир хуш ёққанди ўзгалар чилдирмаси,
Миллий байрам шавқини ҳис этдик яна ўзда.

Қоматимиз тик тутиб алифдан олдик қиёс,
Тағин долдек эгмасин, тоғ тик турсин улусда.

Уйғонган халқим менинг, боз кетмангиз уйқуга,
Баҳор қайтиб келса-да, қолиб кетманг ҳеч кузда.

Куздан кейин қиш келар, қиш эса қаҳратондир,
Энди етдик баҳорга, эрк сўзи талаффузда.

Ўзбеклар диёрига қасд этганлар бўлган паст,
Мулки Машриқ ичинда азалдан у нуфузда.

Наврўзни қора қилди оқ-қорани билмаган
Учраб эл қарғишига, бағрини кўрди музда.

Гулдек урфни хор этган киши умри хазондир,
Меҳрга ҳам зор бўлур, ҳатто ийди Наврўзда.

Байрам муборак бўлсин, заҳматпеша юртдошлар,
Кўнглим эзгу тилагин баён айладим сўзда!

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ШОДИЁНА

Қашқадарё областининг чўлқувар Ульянов райони меҳнаткашлари ҳам Наврўз байрамини севинч ва қувончларга тўлган ҳолда қарши олишяпти. Суратларда: 1. «СССР 60 йиллиги» совхозида яшовчи кекса отахон Жуманазар Ҳолмирзаев. У киши 78 ёшга кирдилар. Ҳамон у кишининг қўлларидан севимли дуторлари тушмайди. Наврўз байрамига атаб яна бир янги куйни чалишни ўргандилар. 2. Райондаги «Ғалаба» совхози марказида катта байрам сайли бошланди. Бу ерда сумалак пиширилмоқда. Шу баҳонада катта ўйин-кулги бошланди. Чолғучилар соз чалишмоқда, раққосалар ўйинга тушишяпти. 3. «III Интернационал» совхози клуби қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиси раққоса Дилфуза Саидниёзованинг ҳар бир чиқиши санъат ихлосмандларини чинакам мафтун этади. 4. «Ғалаба» совхози марказида яшовчи Ойсара Сатторова ҳам Наврўзни муносиб кутиб олди. У халқимизнинг қадимий куйларидан бирини чангқовуз билан ижро этиб, кўпчиликни ўз санъатига мойил қилди.

Б. ИСМОИЛОВ суратлари.

НАВБАҲОР, ОЧИЛДИ ГУЛЛАР, САБЗА БЎЛДИ БОҒЛАР, СУҲБАТ АЙЛАЙЛИК, КЕЛИНГЛАР, ЖЎРАЛАР, ЎРТОҒЛАР!

Наврўз ҳақида ўйласам улуғ файласуф шоиримиз Бедилнинг қуйидаги рубойси эсимга тушади:

Дили ҳасад тўла ичи қоралар,
Доим туҳмат ила покни қоралар
Шип бурчига оппоқ пахта илиб кўр,
Шамдондан барча ис шунга ўралар.

Ёруғ ва покиза байрамимиз Наврўз ҳам ўзининг неча-минг йиллик тарихида кўп қоралашлар, хуружларга дучор бўлиб келди. Аммо барчасидан ғолиб чиқди. Чунки у баҳор байрами, янгиланиш, қайта кучга тўлиш, қудрат касб этиш ва шу билан бирга чинакам халқ мулки, элюрт ардоғидаги байрамлардан биридир...

...Олтмишинчи йиллар бошида «Совет Ўзбекистони» газетаси қошида одоб-ахлоқ кенгаши бўлиб, унга академик Қори Ниёзий раҳбарлик қилар эди. Йиғилишларимиздан бирида ул киши бизга:

— Наврўз байрамини биласизми? У халқ байрами, деҳқончилик байрами, баҳор ва меҳнат шодиёнаси, нечун уни тақиқлаб қўйиш, қатағон қилиш керак? Мен гаплашиб келаман, Наврўзни тиклаймиз, — деб қолди.

Ҳаммамиз бу гапни маъқул кўрдик. Бир оз суҳбатдан кейин менга қараб:

— Сиз ҳам қатнашасиз, газеталарга ёзамиз, телевизорда чиқиб халққа тушунтирамиз, — деди.

Бир неча кундан сўнг Наврўз ҳақида телевизорда кўрсатув ташкил этдик. Уни устоз Қори Ниёзий олиб борди. Наврўз халқ сайили сифатида ўтиши, айниқса, деҳқонлар орасида баҳор ва меҳнат байрами, ер ҳайдаш, унга уруғ қадашдек эзгу ишнинг бошланиши эканлиги ҳақида гапирди. Пазанда Карим Маҳмудов Наврўз таомлари ҳақида сўзлади. Мен Наврўз тарихи ҳақида гапирдим...

Наврўз ҳақида аждодларимиз Беруний, Фирдавсий, Хайём, Навоий каби олим ва шоирлар китоблар ҳам ёзиб қолдирганлар. Бу саҳифалар қиш бўйи орзиқиб кутилган баҳор қувончини қариндош-уруғ ва ёр-дўстлар билан баҳам кўриш, мумкин қадар бу ҳуррамликни она табиат оғушида ўтказишга даъват этади. Наврўз байрами ҳақида улуғ боболаримиздан Абу Райҳон Беруний ўзининг «Китобаттавҳим» ва «Осорул Боқия» асарларида, Умар Хайём «Наврўзнома» китобида маълумот берадилар.

Бу қадимий китоблар ва бошқа манбаларга қараганда, Наврўз Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон халқларининг байрами бўлган.

Энг қадимий байрамларимиз иккита бўлган: бири баҳорги кун билан туннинг баробар келиш даври — Наврўз ва иккинчиси кузги тенглик даври — Меҳргон.

Манбаларга қараганда Меҳргон кўпроқ жанубий Эронда байрам қилинган, Наврўз эса Эроннинг шимоли, Хуросон ва Ўрта Осиёда кенг нишонланган. У, айниқса, тожик ва ўзбек халқи аждодларининг энг катта байрами бўлган.

Наврўз каби улуғ айёмда тириклар марҳумларни ҳам унутмаганлар. Ўлган кишиларнинг уйига чироғ ёқиб, гулдонга янги очилган гуллар солиб қўйишган.

Берунийнинг айтишича, баъзи жойларда томга дастурхон ёзиб, ўзларига тайёрланган таомлардан қўйиш одати ҳам бўлган.

Бизнинг кунларда ҳам бу баҳор айёмида яқин кишилари қабрини зиёрат қилиш, гуллар экиш каби эзгу одат давом этмоқда.

«Шоҳнома» достонида Фирдавсийнинг берган хабарига кўра, Наврўз афсонавий шоҳ Жамшид даврида байрам деб эълон қилинган. Шоир бу ҳақда Жамшиднинг кўкламда кеча-кундузнинг тенг келишига мослаб бир тахт қурдирганини ёзадида, сўнг:

Жаҳонга ёруғлик сочар подшо,
Бу Наврўз куни бўлди тахт узра жо.
Йиғилди улуғлар бари шоду хуш,
Маю, рақсу, чалғу топиб кўп хуруш.
Бу хуррам ҳайит кун ўшандан буён
Қолибдур бўлиб ёдгори замон.

дейди.

Улуғ шоир, астроном олим Умар Хайём ўзининг «Наврўзнома» китобида Наврўзнинг тарихи, бошланиш куни ва байрам қилиниш тартиби ҳақида гапириб, «Ким Наврўзни шоду хуррамлик билан байрам қилса, бутун йил бўйи унинг ҳаёти хуррамликда ўтади», дейди.

Умар Хайём ўз рубоийларида ҳам бу айёмни кўкаламзор жойларга чиқиб, дўстлар даврасида ўйин-кулгу қилиб ўтказишга даъват этади:

БЕЗАВОЛ АЙЁМ

Гул узра кўкламнинг шабнами яхши,
Чаманда юз очган ҳамдами яхши.
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,
Қувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яхши.

Баҳорни мадҳ этиб, кўклам гўзаллигини васф этган назмимиз қуёши Алишер Навоий ҳам Наврўз байрами ҳақида кўп фикрлар айтган. Жумладан, у «Фарҳод ва Ширин» достонида кеча ва кундузнинг баробар келишини таърифлаб қуйидаги байтларни ёзади:

Ҳамал таҳвили этгач меҳр гулчеҳр,
Очар юз гул замона кўргач ул меҳр.
Бўлур гулшан ҳарими сарбасар гул,
Латофат ичра бир гулшанча ҳар гул.
Насими субҳ ўлур боғ ичра гулбор,
Бўлур боғ оташин гул бирла гулнор.
Бу ўт ёнида булбул маскан айлар,
Қанот урмоқ елидан равшан айлар.

Баҳорни васф этган қушиқлар халқимиз оғзаки ижодида ҳам қадимдан бор. Жумладан, XI асрда яшаб ижод этган Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғатит-турк» асарида баҳорни мадҳ этган, халқ қушиқларидан намуналар келтирган.

Баҳор айёмининг гўзал тавсифини тожик адабиётининг бобокалони Рўдакийда шундай ўқиймиз:

Баҳор ойи етиб келиб, қиш ойини этди ямо,
Фазо юзин қоплади чанг, қонга тўлди дашту саҳро.
Илк баҳорнинг кўз ёшидан шохлар олди юзига ранг,
Ҳамал ойин хуш ҳидидан бўлди тупроқ анбаросо.
Лайло юзи каби лола кенг саҳрода кулиб турар,
Мажнун кўзи каби булут қон ёшини қилур дарё.
Оқар сувдан келмоқдадир ҳар соатда гулоб ҳиди,
Менинг ёрим ариқ ичра гул юзини ювмишми ё!!

Наврўз турли халқларда турлича байрам қилинади. Масалан, Эронда Наврўзга аталган алоҳида байрам дастурхони тузатилади. Унга номи «С», «М» ёки «Ш» товуши билан бошланадиган етти хил таом қўйилиши керак. Буни форслар «Ҳафтсин» деб атайдилар. Дастурхон ёзилган столга, янги йилда турмушимиз ёрқин бўлсин деб катта кўзгунинг икки ёнига икки шам ёқиб қўядилар, яна косада сув қўядилар. Унда балиқча ёки кўк барг сузиб юриши керак, яна қатиқ, сут ва бўялган тухумлар қўйилади. Мижози иссиқлар қатиқ ичишади, совуқ мижозлар — сут. Яъни Наврўзда шундай қилинса, гўё янги йилда мижозлари меъёрига тушар экан.

Наврўзни ҳамма ўз уйида дастурхон атрофида кутиши лозим. Бўлмаса йил бўйи сарсон-саргардон бўлиб юрар эмиш. Агар янги йилнинг биринчи куни эрта билан уйга эркак киши кириб келса, йил яхшилик келтирар эмиш. Бунинг олдини олиш учун уйдаги эркак киши эрта азонда кўчага чиқади-да, биринчи бўлиб ўз эшигидан кириб келади. Кўзгу олдида ёқилган шамлар охиригача ёниб тамом бўлиши керак. Шунда бу хонадон аҳлининг умри узоқ бўлади.

Наврўз бир неча кун давом этади. Одамлар беш кун давомида бир-бирларинникига боришади, ота-она, кексаларни зиёрат қилишади, бир-бирларини табриклашади, совғалар алмашишади, тангалар улашишади. Меҳмонга патнисда қандқурс, ҳолва каби турли ширинликлар тутишади.

Наврўз тонгида кимки ширинлик тановул қилса, йил бўйи унинг умри ширин ўтади. Кўчаларда дорбозлар, қўғирчоқбозлар, масхарабозлар ўйин кўрсатишади. Ҳамма ёқда халқ сайили. Наврўзга тайёргарлик даврида одамлар янги кийимлар тиктиришади. Уйдаги сопол идишларни янгилашади.

Наврўздан олдин яна бир байрам бор. Бу байрам тугаётган йилнинг охирги чоршанбасидан бошланади. Бу шодиёналар «Чоршанбасурий» («Чоршанбабазм») деб аталади. Ўтаётган йилнинг охирги чоршанбасида ҳамма ҳовлилар дарвозаси олдида гулханлар ёқилади. Уй эгалари ҳар хил тилаклар билан гулхандан сакрайдилар.

Бу тилаклар орасида оловга қараб «Сурхийе ту аз ман, зардийе ман аз ту» — яъни «сенинг қизиллигинг менинки (бўлсин), менинг сариқлигим сенинки», деб тиловат қилишади. Олов атрофида ўйин тушилади, йигитлар қизлар кийимида, қизлар эса эркакча кийиниб ўйнайдилар. Болалар тўда-тўда бўлиб қошиқ билан идиш чалиб ҳовлима-ҳовли юриб, ҳайитлик йиғишади.

1975 йил Наврўз айёмида Эронга қилган сафаримда бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган эдим.

Қишлоқ жойларида Наврўз ер ҳайдашнинг бошланиши билан тугайди. Далага биринчи қўш чиқади, уни форслар «Жуфт бароронг» ёки «кулба коши» дейдилар. Икки ҳўкиз қўшилган қўшга қишлоқнинг энг ҳурматли оқсоқоли (кексаси) қўшчилик қилиб, биринчи сўқани ерга қадайди. Чалпак пиширилган мой билан ҳўкиз шохлари мойланади ва ер ҳайдаш бошланади. Сўнг оқсоқол ерга бир неча сиқим дон сочади. Ўн икки кун ўтгач, Наврўзнинг ўн учинчи куни дала сайиллари бошланади. Шаҳарликлар боғларга, қишлоқликлар дала-даштларга, тоғ этакларига чиқишади. Қизлар тиниқ чашма сувларини қўзаларга тўлдириб, унга узукларини ташлаб, бахтларидан фол очадилар.

Наврўзнинг ҳам ўз «Бобо»си бор. У — «Бобо деҳқон» — кўк кийинган нуроний чол қиёфасида намоён бўлади.

Наврўз баҳор кириши билан ер юзида ва замин остида чуқур уйқуда ётган кучларни уйғотиб юборади. Шу маънода у инсон дилида, халқ онгида мудраб ётган орзу-умидларни уйғотиб, уларни мавжлантириб, қудратли тўлқинга айлантирган қайта қуриш жараёни билан муштаракдир.

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари доктори.

Байрам мушоираси

* * *

Димиққан кунлардан офтоб айланар,
Фикрлардан сулув моҳтоб айланар,
Давралар жамул-жам —гулоб айланар,
Олису яқиндан югурар бир сўз:
Ташрифингдан ўзим ўргилай, Наврўз.

Эъзоз тахтин топар боболар ёди,
Қумларга кўмилган умид, фарёди,
Қора тошлар гулга айланиб қолди,
Бошланган баҳтим деб этарман кўз-кўз,
Ташрифингдан ўзим ўргилай, Наврўз.

Жамалак тақдингми қизлар сочига,
Алёрлар узатгин сандувочига,
Қувват бер ранг тўкар қалдирғочига,
Омон бўл, кўнгиллар сукунатин буз,
Ташрифингдан ўзим ўргилай, Наврўз,

Энг аввал отамнинг қадоқ қўлин ўп,
Кетмонини ўпгин, тупроқ йўлин ўп,
Отамнинг ҳам сенга айтарлари кўп,
Очиқ қўлларига тўлдиргин ризқ-рўз,
Ташрифингдан ўзим ўргилай, Наврўз.

Сен бор, қушлар бизда, сўзон биздадир,
Сумалак қайнаган қозон биздадир,
Ассаломли меҳмон, мезбон биздадир,
Биздадир чирманда, бизда чанқовуз,
Ташрифингдан ўзим ўргилай, Наврўз.

Киприкларда қалққан томчи-дур, Наврўз,
Юраклар муродли, фикр ҳур, Наврўз,
Энди халқинг билан бирга юр, Наврўз,
Сен, ахир, ўзбекнинг ўзиники, ўз,
Қутлуғ изларингдан ўргилай, Наврўз

Замира РЎЗИЕВА.

* * *

Оппоқ тонглар бағрида балққан қуёш,
Наврўзим,
Йўқотганим-топганим, севинч-кўз ёш,
Наврўзим,
Янги кунлар эпкини хуш муждалар таратмиш,
Сен-ла диллар мунаввар, мағрур бу бош,
Наврўзим.

Қадамингга очилган гуллар сенга бахшанда,
Васлинг истаб тўлғонган диллар
сенга бахшанда,
Гул тебранган чаманлар,
гулзорларга тасанно,
Истиқболга йўлловчи йўллар сенга
бахшанда.

Элим, тилим деганнинг тилаклари бор
бўлгай,
Баргак тақкан келинчак армонсиз бир
ёр бўлгай.
Уғлонлари ўктаму, қизи чиройда танҳо,
Момоларин дегани доим устивор бўлгай.

Оппоқ тонглар бағрида балққан қуёш,
Наврўзим,
Йўқотганим-топганим, севинч-кўз ёш,
Наврўзим,
Янги кунлар эпкини хуш муждалар таратмиш,
Сен-ла диллар мунаввар, мағрур бу бош,
Наврўзим!

Санобар ФАХРИДДИНОВА.

КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

СУҲБАТДОШИМИЗ — АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОСИ ҲАКИМХОН

◆ Азалий Шарқ умумхалқ байрами Наврўз Ўзбекистонда яна тиклангани, бу шодиёнага жумҳуриятнинг барча вилоятларида пухта ҳозирлик кўрилаётгани мамлакатимиздаги узоқ-яқин дўст-биродарларни, ҳорижий мамлакатлар фуқароларини ҳам қувонтирмоқда.

— Наврўз арафасида учрашиб турганимиздан мамнунман, — деди қўшни Афғонистон Республикасидан келиб Ўзбекистонда ўз малакасини ошираётган мутахассислар группаси раҳбари инженер Ҳакимхон. — Биз ўн беш кишимиз. Ўзбекистон ССР Давлат лойиҳалаштирув, мелиорация ва сув хўжалиги илмий-тадқиқот институтида малака оширяпмиз. Илмий-тадқиқот институтининг Хоразм вилояти бўйича иш олиб борувчи мутахассислари билан қисқа муддат ичида танишиб олдик.

— Айтолмайсизми, Сизни институтнинг бошқа бўлимларига эмас, Хоразм вилояти бўлимига йўллашгани сабаби нима?

— Буни мен ва дўстларим бизга нисбатан ниҳоятда меҳрибонлик, эҳтиёжимизни зийраклик билан пайқаш деб ҳисоблаяпмиз. Негаки, бизнинг Афғонистон ерлари ҳам Хоразм, Туркманистон ерларига ўхшаш. Шу жойлардаги тажриба бизнинг деҳқончиликда кўпроқ наф берар экан. 10 апрелгача Ўзбекистон мутахассисларидан деҳқончилик қилишнинг нозик илмини мумкин қадар кўпроқ эгаллаб олишга ҳаракат қиламиз.

— «Деҳқончиликнинг нозик илми» деганда нимани назарда тутяпсиз?

— Сизларда, Ўзбекистонда деҳқончилик тажрибаси, айниқса сув иншоотлари бунёд этиш амалиёти тараққий этган. Афғонистон халқи бунга кўпдан тан бериб келмоқда. «Кўпдан» деганимда мен 30 йил муддатни назарда тутяпман. Янглишмасам, 60-йиллар бошидан бизда сизнинг жумҳуриятингиз ёрдами билан қўпгина сув иншоотлари қурилди. Жумладан, Жалолобод сув иншоотлари, жамламаси барпо этилди. Бу жамлама таркибида сув омбори, ГЭС, 70 километр узунликдаги суғориш канали ҳам бор. Сиздаги ер ўзлаштириш тажрибаси асосида Жалолобод даштларида деҳқончилик қила бошладик. Цитрус ўсимликлари етиштиришга ихтисослашган майдонлар пайдо бўлди.

Буларнинг ҳаммаси сув иншоотлари тиклаш шарофатидир. Бизда деҳқончиликни, айниқса сув хўжалиги қурилишларини илмий асосда ташкил этиш, механизация воситаларидан кенгроқ фойдаланишга қизиқиш катта. Бироқ тажриба кам. Тажрибани эса ўзбек сув иншооти мутахассисларидан ўрганиш бизга қўл келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз бизни бу ерга малака оширишга юборди.

— Сизга бу институтда ўргатганларидан нималар маъқул бўляпти?

— Мутахассисларнинг бизга бўлган муносабати, назарий суҳбатларидан тортиб, то амалий машғулотларигача — ҳаммаси биз учун ибрат ва фойдали. Институт инженерлари билан қадрдон бўлиб қолдик. Улар ўз билганларини бизга қунт билан ўргатишяпти. Саволларимизга малакали жавоблар оляпмиз. Билмаганларимизни уялмай сўрашга одатландик. Айниқса, бизда Ўзбекистон инженерларининг иш вақтидан унумли фойдаланиши, меҳнатни ташкил этиш тажрибалари, лойиҳалаш ва қидирув ишларида механизация воситаларидан кенг фойдаланилиши, сув иншоотлари қурилишига оид зарур маълумотлар аниқлигини таъминлашга бўлган интилиш катта таассурот қолдирмоқда.

— Рус тилида анча яхши гапиряпсиз. Мумкин бўлса, шу ҳақда икки оғиз гапирсангиз.

— Бажонидил. Бу ҳақда гапириш мен учун мароқли. Нокамтарликка олмасангиз, тил ўрганишга уқувлироқман. Она тилим — пушту тилини-ку, яхши биламан. Бундан ташқари инглиз тилида ҳам гаплаша оламан. Мамлакатларимиз алоқалари мустаҳкамланиб бориши муносабати билан рус тилида гапириш, ўқиш, ёзишни ҳам ўрганиб олдим.

Шарқона айтганда 21 март куни Янги йилнинг биринчи куни киради. Бу кунни бизда ҳам байрам қилишади. Наврўз шодиёналарини бирга нишонласак ажабмас. Лекин газетангиз орқали биз, афғонлар номидан шу кунларда мен билан бирга Тошкентда малака ошираётган дўстларим, жумладан гидрогеолог Муҳаммадрафиқ, бинокор инженер Ҳафизулло ва лойиҳачи инженер Аҳмаджон номидан ўзбек халқини муборак Наврўз билан қутлаётганимизни маълум қилиб қўйишингизни жуда-жуда истардик.

— Қуллуқ. Сизга ҳам Наврўзда яхши ниятларингиз рўёбга чиқишини тилаймиз.

Суҳбатдош
Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

«КИТОБХОН» УЛУШИ

Анъанавий Наврўз байрамини жумҳуриятимиздаги барча ижодий уюшмалар, бадиий коллективлар, киностудиялар, жамоатчилик ташкилотлари бирдай фаол тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар. Хўш, бу борада Ўзбекистон «Китобхон» жамияти ва унинг вилоят ташкилотлари қандай ишларни амалга оширмоқдалар? Мухбиримизнинг ушбу саволига «Китобхон» жамияти жумҳурият правленнеси раисининг биринчи ўринбосари Ғулом ПЎЛАТОВ қуйидагича жавоб берди:

— Тайёргарлик ишларига халқ байрамини бутун жумҳуриятимизда кўнгилдагидек ўтказиш тўғрисида даъват бўлганидаёқ киришилган. Шу боисдан ҳозирга қадар жуда кўп тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди.

Масалан, «Китобхон» жамиятининг Тошкент шаҳар ташкилоти маҳаллаларда таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида Наврўз байрами ўтказмоқда. Андижон область ташкилоти ишлаб чиқариш илғорлари ва меҳнат ветеранларининг учрашувини ташкил этди. Ветеранлар йиғилганларга Наврўз тарихи, удумлари, анъаналари тўғрисида гапириб бердилар. Қашқадарёда бахши-шоирлар баҳси уюштирилди. Халқ ижодкорлари Наврўз тантаналарида ўзларининг энг севимли достонларини куйламоқдалар.

Қорақалпоғистон АССР «Китобхон» ташкилоти Наврўзга бағишлаб махсус китоб бозори уюштирди. Унинг расталарига улуғ айём арафасида Тошкентда ва Нукусда нашр этилган китоблар қўйилган. Фарғонада ташкил этилган китоб кўргазмалари «Менинг жонажон ўлкам», «Ўзбекистоннинг халқ анъаналари», «Халқлар дўстлиги — тинчлик гарови» деб аталади. Жиззахдаги Ҳамид Олимжон музейида бахт ва баҳор куйчиси ҳаёти ва ижодига бағишлаб китобхонлар конференцияси ва адабий кеча ўтказилди.

Сурхондарё ташкилоти уюштирган «Наврўз рўзномаси» кўргазмаси, «Офтоб чиқди оламга» китоб байрами, «Қўй келади қўзи билан» деган бахши-шоирлар айтишуви пухта тайёрланганлиги, илҳомбахшлиги билан узоқ вақт эсдан чиқмаса керак. Хоразмликлар машҳур Ичанқалъа қўриқхонаси билан ҳамкорликда Наврўз сайли уюштирдилар. Икки қисмдан иборат бўлган бу байрамда уй бекалари конкурси ва «Наврўз ҳақида ким кўп нарса билади?» деган викторина ташкил этилди. Самарқанд вилоятида ўтказилган Наврўз тантаналарида «Пўлкан бахши — Наврўз куйчиси» кечаси алоҳида диққатга сазовор. Наманганда анъанавий байрам муносабати билан уюштирилган ижодий коллективлар конкурси ўзига хос кўзгу сифатида эътироф этилди. Бухоро вилоят ташкилоти Наврўзни ўтказишда алоҳида жонкуярлик кўрсатган китобсеварлар учун махсус мукофотлар таъсис этган.

Наврўз тантаналари маданият ходимлари, жумладан, биз, «Китобхон»чилар учун ҳам ўзига хос синов ва рағбатдир. Биз бугун амалга ошираётган тадбирларни келгусида мунтазам ранг-баранглаштириб, савияларини ҳар томонлама кучайтириб бориш учун интилаверамиз.



НАВРЎЗ КИТОБЛАРИ

• Спорт • Наврўзнома • Спорт • Наврўзнома • Спорт • Наврўзнома • Спорт

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАРАФОНЧА ЮГУРИШ ВА ЮРИШ ТЕРМИЗ-90

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН МАРАФОНЧА ЮГУРИШ ВА СПОРТЧА ЮРИШ БЎЙИЧА ЖУМҲУРИЯТ МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАНДИ.

Югуриш ўзи нима? Аллома Саъди Шерозий таъбири билан айтганда: «Ҳаракат бўлмаса, бўшаб кишани, орзуга етолмас полвонлар тани». Югуриш аввало, бу саломатлик. Чигилёзиш,тетиклик ва бардамлик инъом этувчи инсонга хос фаолият. Истироҳат боғлари, яшил хиёбонлар, кўча-кўйлар, стадионлар, қолаверса, сўқмоқлар бўйлаб югураётган кишилар асли саломатлик кетидан қувадилар. Одамлар эндиликда хоналарда, поездда, ҳатто космик кемаларда ҳам бир жойда туриб югуришни расм қилмоқдалар. Югуриш — мавсумга мос кийиниш эмас, балки ҳаётий заруратга айланмоқда. Биз югуриб бораётган кишига машина ҳайдовчининг ҳавас қиладиган замонлар бўсағасида турибмиз. Газетамиз совринни учун қатор йиллардан бери узлуксиз ўтказиб келинаётган мусобақанинг қадри ортиб бораётганининг боиси ҳам шундан.

ОЛИС МАСОФАГА ЮГУРИШ

• Дил сўзлари

ОММАВИЙЛИК ЙЎЛИДА

У. МАЪМУРОВ,
Бухоро марафончиларининг устози:

— Анъанавий мусобақада қатнаша бошлаганимизга кўп бўлгани йўқ. Соврин учун курашни уч йил аввал шаҳримизда уюштирилгани югурувчилар сафини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этди. Маълумки, дастлабки йиллари мусобақада Бухородан бир неча вакил қатнашган эди. Ўзим ҳам спортча юриш бўйича бир неча бор мукофотли ўринларни эгаллаганман. Бугунги кунда эса, Бухоро марафончилари ва спортча юриш ихлосмандларига устозлик қиляпман. Бу ҳаммаси газета соврини учун бошланган хайрли ишнинг самарасидир. Вакилларимиз бу сафар ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Улар иккинчи гуруҳга киритилган коллективлар орасида биринчиликни эгаллашди. Ўйлайманки, оммавийлик бор жойда маҳорат ҳам юзага келади.

РИЁЗАТСИЗ ЗАФАР БЎЛМАС

Жумҳуриятимизнинг жанубида, Сурхондарё вилояти марказида ҳам шарқона байрам — Наврўзи оламни қаршилашга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилди. Термизда Наврўз босқичма-босқич нишонланмоқда. Аввал маҳаллаларда, ишлаб чиқариш коллективларида байрамни ўтказиш бўйича ўзига хос кўрик-конкурс ташкил этилди. Кейин ана шу тадбирларда муваффақият қозонган коллективлар район миқёсида баҳслашдилар. Энди Наврўз вилоят биринчилиги тарзида нишонланмоқда.

Термизликлар баҳор байрамини ўзларига хос ўтказишга ҳаракат қилишди. Наврўзнинг шоҳона таоми — сумалак ҳамда ҳалим тайёрлашлар қатори одамларнинг бурунгидек кийинишлари, унутилган қўшиқлар ва куйларни айтишлари кўзга ташланди. Чунончи, ўтов уйлар қуриб, авлод-аждодларимиз расм қилган рўзғор тутиш кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу борада Термиз, Ангор, Ленин йўли районларида ибрат кўрсатилди. Келин тушди маросимларида қадимий анъаналар йўлга қўйилди. Жумладан, келинчакнинг эшак миниб хонадонга кириши ёки қайнонанинг янги меҳмон пойига «йиқилиши» каби расм-русумлар бугунги ёшларда ажиб таассурот қолдирди. Куй-қўшиқлар таралиб турган, сурнайлар навоси янграётган гўзал табиат қўйнида оловдан сакрашлар ўзига хос жозиба касб этди.

Бугун шаҳардаги марказий стадион, отчопар, истироҳат боғи, боғ-роғлар ва ям-яшил майдонлар ҳар қачонгидан гавжумлашади. Термизликлар жумҳуриятимиз меҳнаткашлари қатори Наврўзни илк бор дам олиш сифатида байрам қиладилар. Ана шу катта шодиёна арафасида Термизда ўтказилган спорт мусобақаси Наврўзга тайёргарликнинг муҳим тадбирларидан бирига айланди. Дам олиш куни шаҳар меҳнаткашлари, студент ва ёшлар марказий майдонга тўпландилар. Бу ерда газета соврини учун жумҳурият мусобақасининг тантанали очилишига бағишланган маросим бўлди.

Майдон байрамона безатилган. Алвон байроқлар, мусобақага бағишланган плакатлар кўзга ташланади. Зеро, марафончиларнинг саф тортиши, мусобақанинг очиқ деб эълон қилиниши осон бўлмади. Боиси, ҳавонинг авзойи бузилганди. Ғувиллаб турган кучли изғирин шамол кўз очишга бермасди. Мусобақа мутаасддилари баҳсни бир соат кеч бошлашга қарор қилишди. Шамол пасайдими ёки кўникма ҳосил бўлдими, жумҳурият миқёсидаги тадбирни бошлашга жазм этилди. Спортчилар саф тортишди. Ниҳоят, мусобақа бош ҳакамига совриндорлик баҳсини бошлаш учун ҳамма нарса тахт экани ҳақида рапорт берилади. Термизда мусобақани ташкил этиш комитети раиси — вилоят жисмоний тарбия-спорт комитети раиси Х. Ҳуррамов марафончиларни қийин ва машаққатли курашда маҳорат кўрсатишга даъват этди. Шундан кейин Термиз шаҳри Совети ижроия комитети раиси Н. Ҳакимов бундай ташкилий ишлар жойларда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деган фикрни билдирди. Сўнг, «Совет Ўзбекистони» газетаси масъул котиби Э. Хўжаев анъанавий мусобақа баҳор байрами — Наврўз арафасида ўтаётгани ва у ана шу шарқона айёмга тайёргарликнинг ўзига хос тадбирларидан бири бўлиб қолишини, соврин учун кураш жумҳуриятимизда спортнинг енгил атлетика турини янада ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилаётганини эътироф этиб, марафончиларга омад тилади.

Мусобақа очиқ деб эълон қилинади. Гимн садолари таралади. Моҳир марафончилар мусобақа байроғини кўтарадилар. Доҳий ҳайкали пойига гулчамбар қўйилади. Кейин югурувчиларни саф тортишга чорлайдилар. Югуриш шаҳар кўчалари бўйлаб давом этиши кўзда тутилган эди. Марафончилар жами 5 километрли ана шу масофани 8 марта айланиб, ўтишлари ҳамда сўнгги 2 километру 195 метрли босқични босишлари мўлжалланганди.

Югуришни биринчи бўлиб қизлар бошлаб беришди. Уларнинг кўксида «Совет Ўзбекистони», Рақам, «Термиз-90» сўзлари ёзилган ёрлиқ кўзга ташланади. Беш километрга 16 нафар қиз югурди. Улар орасида разрядли ёшлар кўп эди. Фарғоналик Юлия Городецкая масофани 19 минут 31 секундда босиб, зафар қучди. Тошкент вилояти командаси аъзолари Наталья Колганова билан Гулнора Рашидова ғолибдан секундлар ҳисобида ортда қолиб, фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Қизларнинг спортча юришлари ҳам кўпчиликнинг эътиборида бўлди. 1973—75 йилларда туғилган қизлар баҳсида фарғоналиклар маҳорат кўрсатишди. Чунончи, Вика Нуждаева билан Валентина Толстих биринчи ва иккинчи ўринларни олиб, ўз командаларига 18 ҳамда 15 тадан очко келтирдилар. Учинчи ўрин эса самарқандлик Диля Данаевага насиб этди. 1971—72 йилларда таваллуд кўрган қизлардан навоийлик Галина Латипова ғолиблик супасига кўтарилди. Самарқандлик Люба Мержинская билан Тошкент вилоятидан Алла Зелинская иккинчи ва учинчи бўлишди.

Ўсмирларнинг 10 километрга спортча юришларида пойтахт вилояти командаси аъзолари маҳорат кўрсатишди. Рустам Рафиқов билан Владимир Некрасов дастлабки икки фахрли ўринни олишди. Самарқандлик Дмитрий Кудрявцев эса 11 нафар юриш устаси орасида учинчи бўлди. Ёшларнинг 20 километрга спортча юришлари осон бўлмади. Боиси, бор-йўғи 5 нафар спортчидан иккиси марра чизиғини кесиб ўтишга муваффақ бўлди. Қолганлари изғирин шамолга дош беришолмади. Андижонлик Александр Функ билан Ноил Дўстаев (Тошкент вилояти) зафар қучди.

Аёлларнинг 10 километрга спортча юриши сабр-тоқат синовига айланди. Халқаро классдаги спорт устаси Рузина Ивайлова 54 минут 12,3 секундли натижа билан пешқадамлик қилди. Унинг камондадоши, Тошкент вилояти вакили Рауза Зотова билан тошкентлик Саида Муҳаммаджонова ғолиблик супасининг иккинчи ҳамда учинчи поғоналарига кўтарилишди. 30 километрга спортча юриш бўйича мусобақада тўрт нафар эркак қатнашди. Тошкентлик Игнат Олих зафар қучди. Бухоролик Тошпўлат Розиқов, фарғоналик Игорь Владимиров қолган икки фахрли ўринни олдилар.

Ўсмирларнинг 10 километрга югуришда Ирина Метаевага ҳеч ким бас келолмади. У биринчи ўринни эгаллаб, Тошкент вилояти командаси ҳисобига 18 та очко келтирди. 15 километрга югурган ёшлардан андижонлик Омад Азимов 53 минут 0,6 секундли натижа билан маррада биринчи бўлди. 20 километрга югуришда 13 нафар спортчи қатнашди. Тошкентлик Виталий Чернов маҳорат кўрсатди. Аёлларнинг 20 километрга югуриши ҳам муросасиз баҳсга айланди. Фарғоналик спорт устаси Катя Билолова масофани бир соату 19 минут 50 секундда босиб ўтди. Афсуски, асосий марафон—42 километр 195 метрли масофани босиб ўтишда иштирок этган 5 нафар аёлдан биронтаси ҳам курашни охирига етказолмади.

30 километрга югурган яйпанлик Улуғбек Мамадалиев маҳорати ошиб бораётган спортчилардан. Спорт усталигига номзод бу йигитнинг асосий мақсади — вақти келиб асосий марафонда иштирок этиш. Ҳозирча у 30 километрли масофани бир соат 46 минут 16 секундда босиб, зафар қучди. Сирдарёлик Ринат Ҳайруллин билан Александр Кокарев маррада иккинчи ва учинчи бўлишди.

Асосий марафонда югуришни кўпчилик зимдан кузатди. Олис масофага ўтказилган баҳсда иштирок этганларнинг аксарияти спорт усталари ва усталикка номзодлар эди. Ҳар сафаргидек ангренлик спорт устаси Владимир Белобородовнинг ғалаба қозониши кутилган эди. Лекин Володя мусобақа тугашига бор-йўғи бир давра — 7 километру 195 метр қолганда ўйиндан чиқишга мажбур бўлди. Боиси, салкам 40 ёшли бу марафончига қийин об-ҳаво шароити, қолаверса, мусобақа ташкилотчиларининг йўл ҳаракатини вақтинча тўхтатиб қўйишмагани сабаб бўлди. Бу гал тошкентлик Евгений Нуждин икки соат 39 минут 55 секундли натижа билан маҳорат кўрсатди. Унинг ҳамшаҳри Ботир Мўминов билан самарқандлик Шокир Холбоевлар марра чизиғини иккинчи ҳамда учинчи бўлиб кесиб ўтдилар.

Шундай қилиб, Термизда ўтказилган навбатдаги мусобақага яна Тошкент вилояти командаси пухта ҳозирлик билан келганлиги маълум бўлди. Бу команда аъзоларига газетанинг бош соврини тантанали суратда топширилди. Шунингдек, ғолиблар Фахрий ёрлиқ, диплом ва эсдалик буюмлари билан тақдирланди.

Ҳ. НОСИРОВ.
Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ТАНИШИНГ, ҒОЛИБЛАР

Югуриш бўйича (чапдан ўнгга) — Юлия Городецкая, Ирина Метаева, Омад Азимов, Виталий Чернов, Катя Билолова, Улуғбек Мамадалиев, Евгений Нуждин, спортча юриш бўйича — Вика Нуждаева, Галина Латипова, Рустам Рафиқов, Александр Функ, Рузина Ивойлова ва Игнат Олих.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

КОМАНДАЛАР ТУТГАН ЎРНИ

● БИРИНЧИ ГУРУҲ

Областлар	очколар
1. ТОШКЕНТ	194
2. ТОШКЕНТ ШАҲРИ	174
3. ФАРҒОНА	156
4. САМАРҚАНД	94
5. АНДИЖОН	86

● ИККИНЧИ ГУРУҲ

1. БУХОРО	89
2. СИРДАРЁ	51
3. СУРХОНДАРЁ	51
4. ҚАШҚАДАРЁ	18
5. ЖИЗЗАХ	9

ЯНА ЮГУРАМАН

В. БЕЛОБОРОДОВ,
СССР спорт устаси

— Газета совринни учун мусобақада узлуксиз иштирик этиб келаётганим билан фахрланаман. Бухорода ўтказилган мусобақадан кейин югуришни бас қилиб, ёшларга устозлик қилиш ҳақида ўйлаган эдим. Ёшим шуни тақозо этмоқда. Қарасам, югурмай туролмайдиганга ўхшадим. Бултур Яйпанда, бу йил Термизда яна югурувчилар қатори марра сари интилишга тўғри келди. Ҳар йили 42 километрли йўлни босиб ўтиб, маррада биринчи бўлардим. Афсуски, бу гал омадим келмади. Кучли изғирин шамолданми ёки куч-қувватимдан расамади билан фойдаланолмадимми, ҳар қалай марраолди даврасида ўйиндан чиқишга мажбур бўлдим. Лекин хурсандман. Боиси, ҳамиша 30 километрга югурадиган Евгений Нуждин олис масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Демак, сафимиз кенгайиб боряпти.

КАТТА ҚИЗИҚИШ

Х. ОРТИҚОВ,
яйпанлик югурувчилар устози:

— Шаҳримизда бир неча марта йирик мусобақанинг ўтказилиши спортнинг югуриш ва юриш турига қизиқувчилар сафини кенгайтиришга имкон берди. Шаҳримизда танланган югуриш масофаси марафончи-ю мутахассисларга маъқул тушиб қолганидан мамнунмиз. Яйпанда марафонга қизиқиш катта. Шунинг учун ҳам Термиз шаҳрига алоҳида норасмий команда бўлиб келишга жазм этдик. Вакилларимиз турли масофаларда астойдил ҳаракат қилиб, ишончимизни оқлашга уриндилар. Фарғона вилояти терма командасининг фахрли ўринни эгаллашида яйпанликларнинг ҳам муносиб улуши бор. Биз, соврин учун кураш яна Яйпанда ўтказилади, деб умид қиламиз.

МЕҲНАТ САМАРАСИ

Н. ВЛАДИМИРОВ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган тренер:

— Менинг қувончим чексиз. Сабаби, мусобақа очилишига бағишланган тантанали маросимда саф тортган марафончилар олдида менга хизмат кўрсатган тренер унвони топширилди. Бу газета коллективи бошлаган хайрли ишнинг самарасидир. Қарийб 12 йилдан бери марафончилар соврин учун курашмоқдалар. Бундай баҳс жойларда оммавийликка эришиш, маҳоратли ёшларни тарбиялашда алоҳида омил бўляпти. Вилоятимизда газета соврини учун мусобақага қизиқувчилар кўплаб топилади. 20 километрга югурган Катя Билолованинг маррада биринчи бўлиши фарғоналик марафончиларнинг маҳорати ортиб бораётганидан далолатдир. Ниятимиз яқин йилларда бош совринни қўлга киритиш.

Мусобақа якунланди. Афсуски, жумҳуриятимизнинг айрим вилоятларида бундай хайрли тадбирга ҳамон эътибор билан қаралмаяпти. Мусобақаларда мунтазам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётган наманганлик марафончиларга нима бўлди? Ахир, шу вилоятнинг Косонсой шаҳрида ўтказилган мусобақада наманганликлар ҳар жиҳатдан ибрат кўрсатишган эди-ку. Хоразм вилояти спорт мутасаддиларига хайронмиз. Наҳотки, йиллар мобайнида мусобақада иштирок этишга муносиб марафончилар тарбиялашнинг илоҳи бўлмаса. Ёки Хоразмда югурувчи ёки спортча юриш ихлосмандлари топилмайдими? Қорақалпоғистон АССР марафончилари бир қанча мусобақаларда иштирок этиб, кўзга ташланиб қолишган эди. Нега Автоном жумҳурият спорт мутасаддилари совриндорлик баҳсига эътиборсизлик билан қарашмоқда. Жойлардаги спорт ташкилотларидан бундай бепарволик сабаблари ҳақида жавоб кутамиз.

ШАРҚОНА БЕЛЛАШУВЛАР

Термиздаги «Спартак» стадионида Наврўзга бағишланган шарқона беллашувлар ўтказилди. Жумҳуриятимизда биринчи марта ташкил этилган бу мусобақалар асосан Урта Осиё халқларининг миллий ўйинларидан иборат эди. Беллашувлар босқичма-босқич ўтказилиб, дастлабки баҳсларда мингга яқин йигит-қиз иштирок этди. Ҳал қилувчи ўйинларда эса вилоятнинг турли район ва қишлоқлари, колхоз ва совхозларидан тўпланган 400 га яқин спортчи куч синашди.

Шарқона беллашувлар Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос байналмилал баҳсига айланди. Чунончи, ўзбекча тош кўтариш мусобақаларида шерободлик полвонлар ғалаба қозонишди. «Оқ суяк» мусобақаси регби ўйинларига ўхшаб кетади. Кичик тўп билан баҳс юритган Сарриосиё райони ёшлари бу борада маҳорат кўрсатдилар. Туркманча «Ўртада» деб номланган миллий мусобақага термизликлар шайланиб келишгани аён бўлди. Шунингдек, термизликлар қирғизча, «Арқон тортиш» баҳсида ҳам зафар қучдилар. Тожикча «Сефед-чубак» баҳси болаларнинг чиллак ўйинига ўхшайди. Мухлисларни мамнун этган термизликлар яна ғолиблик супасига кўтарилишди. Бухороча беллашув кўпчилик ёқтирган спорт турларидан. Беллашувларда 13 команда иштирок этди. Термиз шаҳри, Сарриосиё ва Шеробод районларининг полвонлари ғалаба қозондилар.

Азим ПЎЛАТОВ.

Туроб ТЎЛА

Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудоликка учради. Атоқли шоир ва драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР адабиёт фонди Ўзбекистон бўлимининг директори Туроб Тўла (Туроб Тўлахўжаев) оғир касалликдан сўнг 72 ёшида вафот этди.

Туроб Тўла 1918 йилда Жанубий Қозоғистоннинг Турбат қишлоғида туғилди. Тошкент театр техникумида, сўнгра Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида билим олди. «Ёш ленинчи» ва «Совет Ўзбекистони» газеталарининг редакцияларида, республика радиосида, Ўзбекистон давлат нашриётида, «Ўзбекфильм» студиясида ишлади. Ўзбекистон Кинематографиячилар уюшмасининг котиби, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги театр ва музика муассасалари бошқармасининг бошлиғи, Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрининг директори бўлди.

Туроб Тўланинг биринчи шеърлар тўплами 1939 йилда дунё юзини кўрди. Ўша пайтдан буён 30 тадан кўпроқ китоб, шу жумладан, «Шодлигим», «Табассум», «Қанотлан, қўшиқларим», «Оромижон», «Бахт тонготари», «Камалак», «Офтоб найзада», «Хаёлим сенда», «Жиргаргўшам» каби шеърий китоблари, «Трамвайда топилган дафтар», «Суюк момо» достонлари, «Етти зогора қиссаси» номли қиссаси нашр этилди. Унинг «Қариқиз», «Қизбулоқ», «Нодирабегим» шеърий драмалари ўзбек саҳна санъатида муносиб ўрин олди. Сценарийлари «Фурқат», «Мафтунингман», «Шашмақом», «Тўққизинчи аср монологи» каби фильмларга асос бўлди, унинг 10 га яқин асарлари рус китобхонларига машҳур. Юзлаб қўшиқлар, бир неча опера либреттолари, В. Шекспир, Р. Тагор, Шиллер, А. Пушкин, М. Лермонтов, И. Крилов каби алломалардан таржималар ижодкор қаламининг маҳсулидир.

Туроб Тўла софдил, принципиал коммунист бўлиб, кўп йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси партия ташкилотига етакчилик қилди. У сафдошларига талабчан, ёшларга меҳрибон инсон эди. У заҳматкашлиги, ҳозиржавоблиги ва камтарлиги билан республика ижод аҳли ва маданият ходимлари орасида катта обрў қозонган. Давлатимиз шоирни Меҳнат Қизил Байроқ ордени, кўпгина медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирлаган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари берилган эди.

Туроб Тўланинг хотираси у билан адабиёт майдонида бирга ишлаган, унинг ижодидан баҳраманд бўлган барча замондошлари қалбида абадий яшайди.

И. Каримов, Д. Берков, П. Догонкин, А. Ефимов, М. Иброҳимов, А. Икромов, С. Мамарасулов, М. Мирқосимов, Р. Попов, Ж. Ҳамидов, Ҳ. Алимова, И. Жўрабеков, Б. Сатин, А. Фозилбеков, Ў. Умарбеков, О. Ёқубов, С. Азимов, К. Яшин, Уйғун, Зулфия, С. Аҳмад, Р. Бобожон, И. Раҳим, Мирмуҳсин, Т. Қаипберганов, А. Удалов, Шукрулло, Ҳ. Ғулом, А. Мухтор.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
27, 28 март соат 19.30 да

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисти

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

КОНЦЕРТИ

Программани — Ўткир Сиддиқов олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

●

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига
ОҲАНГАРОН ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ
пул ўтказиш йўли билан терак, чинор, легуструм, тут, дуб, каштан, туя, қрим қарағайи, маймунжон, грек ёнғоғи, шафтоли, олҳўри, ток кўчатларини
СОТАДИ
Ўрмон хўжалиги манзили: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 2-2 квартал, Оҳангарон ўрмон хўжалиги.

●

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА
30, 31 март, 1 апрель соат 16.00 ва 19.30 да
СССРда БИРИНЧИ МАРТА
«КеТЧ»
(Американча эркин усулдаги кураш)
Учрашувларда Олимпия ўйинларининг, жаҳон чемпионатлари ғолиблари, чет эл мамлакатларидан келган машҳур профессионал кураш усталари қатнашадилар.
ПРОГРАММА МЕҲМОНЛАРИ:
ЭРОТИК — ШОУ — БАЛЕТ,
«ОРИГИНАЛ» ЖАНРЛАРДАГИ АРТИСТЛАР.
Билетлар «Юбилей» Марказий спорт саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/III да **Аида.**
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/III да **Табассум оқшоми**, 24/III да **Муҳаббат навоси**, 25/III да **Аршин мол олон.**
ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/III да **Келинлар қўзғолони** (19.00), 25/III да **Келинлар қўзғолони.**

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг ижодий жамоаси Ўзбекистон халқ шоири

Туроб ТУЛАНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти жамоаси институт директори, физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, профессор

Улуғ Ғафурович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ҳайъати ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги жумҳурият мукофоти совриндори, академик шоир Ғафур Ғуломнинг ўғли

Улуғ Ғафурович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат дорилфунунининг биология факультети жамоаси умуртқасиздар зоологияси кафедрасининг доценти О. М. Мавлоновга онаси

Угилой СУЮНОВАнийг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01183. № 68. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12